## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

### Электр ва иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоб қилиш интизомини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида

(Боши 1-бетда)

истеъмолчининг ҳисоб-китоб қилинадиган даври бошлангунгача ҳақни олдиндан тўламаган ёки якуний ҳисоб-китобни ўз вақтида амалга оширмаган энергия истеъмолчиларига энергия бериш тўхтатилади;

тўлов муддати ўтган қарзи бўлган электр ва иссиқлик энергияси истеъмолчиларини узиб қўйиш ҳамда уларни қайтадан улаш бўйича харажатлар истеъмолчиларнинг ўз ҳисобидан қопланади;

электр ва иссиқлик энергияси истеъмолчиларининг «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси корхоналаридан 2003 йил 1 сентябргача вужудга келган қарзлари Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Ҳукумат комиссияси томонидан тасдиқланган жадваллар бўйича тўланиши керак.

4. Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Ҳукумат комиссияси бир ой муддатда:

истеъмолчиларнинг молиявий аҳволини ҳисобга олган ҳолда, электр ва иссиқлик энергияси учун 2003 йил 1 сентябргача вужудга келган қарзларни;

«Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси корхоналарининг бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича, ёқилғи ва темир йўл ташувлари учун қарзларини тўлаш жадвалларини тасдиқласин ва уларнинг бажарилишини қаттиқ назоратга олсин.

5. Энергия сарфи кўрсаткичларини бузиб кўрсатишдан ҳимоя қилиш ва узатиш тармоқларидаги электр энергияси йўқотилишини аниқлаш мақсадида «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси:

истеъмолчиларда ўрнатилган электр ва иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари ҳар ойда ёзиб олинишини таъминласин, электр ва иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузувчиларга нисбатан тегишли жавобгарлик чораларини кўрсин;

электр тармоқларини ва электр энергиясидан фойдаланувчиларни электрон ва бошқа замонавий ҳисобга олиш приборлари билан қайта жиҳозлаш тадбирларини тасдиқлаш учун икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. «Ўздавэнергоназорат» агентлиги ва «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси:

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда электр энергиясини узатишда унинг магистрал ва тақсимлаш тармоқларида исроф бўлишининг йўл қўйиладиган чекланган нормативларини тасдиқласинлар;

қуввати 10 киловаттгача бўлган электр қурилмаларини электр тармоқларига улашда хўжалик юритувчи субъектларга соддалаштирилган талаблар тўғрисидаги низомни бир ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва белгиланган тартибда тасдиқласинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

идоравий норматив ҳужжатларнинг ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 5 август

*Истиқлолни шарафлаб*

# ИНСОН ҚАДРИ ҲАР НАРСАДАН УЛУҒ



(Боши 1-бетда)

Бундан ташқари, 463 нафар фидойи аёл бугун тизимнинг турли бўғинларида касаба уюшма раислари сифатида фаолият кўрсатмоқда. Улар ишчи-хизматчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиб келмоқдалар. Андижондаги Бобур номидаги ип-газлама ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятида меҳнат қилаётган 12 минг ишчи хизматчининг асосий қисмини аёллар ташкил этади. Қаранг, «Анкомтекст» қўшма корхонасида замонавий дастгоҳларни бошқараётган чеварлар йилига 10 турдаги эркаклар кўйлаги, харидоргир чойшаблар ишлаб чиқарадилар. Маҳсулотнинг ярмидан кўпи хорижга экспорт қилинади. Жаҳон иқтисодиёти интеграциясига қўшган ҳиссаси учун бу жамоа «Олтин глобус» соврини ва республикада ташкил этилган Гран При мукофотига сазовор бўлди.

Биз ёшларимизни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларнинг билим ва касб маҳоратларини ошириш учун шарт-шароитлар яратиш, ярамас оқимлар таъсиридан ҳимоя қилиш, илм ва спорт билан ошно этиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратамиз. Тармоқ тасарруфидаги 15 та оромгоҳда бу йил 10800 бола ёзги таътилини мароқли ўтказмоқда. Шулардан 2400 нафари Оролбўйидан келган болажонлардир.

Обод маҳалла йили муносабати билан бир нечта маҳаллаларни оталиққа олганмиз. Охунбобоев номли, «Темирйўлчи» маҳаллалари шулар жумласидан. Тармоқ касаба уюшмамиз ҳомийлигида маҳаллаларда катта ободонлаштириш тадбирлари уюштирилди. Кам таъминланган оилалар, ёлғиз қарияларга баҳоли қудрат ёрдам уюштирилмоқда. Спорт-соғломлаштириш майдонлари қуришда кўмагимизни аямаяпмиз.

Шунингдек, тармоққа қарашли корхоналар тасарруфида соғломлаштириш марказлари, спорт майдончалари ташкил этилиб, турли секциялар, тўгараклар иш олиб бормоқда. Уларда ишчи-хизматчиларнинг фарзандлари бўш вақтларини мароқли ўтказиш билан бирга чиниқиб, саломатликларини тиклаб, касб-ҳунар ўрганмоқдалар. Айниқса, бу борада Ангрен картон қоғоз ишлаб чиқариш корхонаси, «Кобул-Ўзбек текстил» корхонаси ибратли ишларни амалга оширмоқда. Замонавий спорт майдончалари, стадион болалар хизматида. Фарзандларидан кўнгли тўқ ота-оналарнинг иш унуми юқори бўлмоқда.

Оила-жамият устуни. Тармоқ қўмитамиз оиланинг мустаҳкамлигини таъминлаш ниятида «Иноқ оила турнири»ни ташкил этди. Бундай тадбирлар нафақат спортда балки санъат, адабиёт ҳунармандчилик соҳаларида ҳам уюштирилди. Уч марта республика миқёсида анъанавий спартакиада ва кўплаб кўрик-танловлар ўтказилди. Беллашув ғолиблари муносиб тақдирланди.



Нуронийлар фахримиз, ғуруримиз. Уларнинг ибратли ҳаёт йўли, доно маслаҳатлари биз учун бебаҳо хазина. Шу боис улар билан тез-тез учрашувлар уюштириб, тажрибаларини ўрганамиз, доно маслаҳатларидан сабоқ чиқарамиз. Байрам тадбирларида моддий ва маънавий кўмагимизни аямаймиз. Шу ниятда ўтган йили 500 нафар нуроний иштирокида учрашув ташкил этдик.

Мустақиллик ҳақида ҳар қанча сўзласак, унинг элимиз-элдошларимиз ҳаётида, фаолиятида қанчалик муҳим рол ўйнаётгани ҳақида фикр юритсак барибир оз. Марказий қўмитамиз тасарруфидаги корхоналарда аллақачон байрамга тайёргарлик бошланиб кетди. Бу йилги тадбирларни биз меҳр-саховат улашишдан бошладик. Ҳадису шарифда «Савоб ишни аввал ўзингдан бошла» дейилганидек, эзгу ишларимизни тизимимиз тасаррруфидаги кўзи ожиз ва карсоқовлар жамиятларига хайрия ёрдамлари улашишдан бошладик. Меҳрга ташна бу инсонларнинг саломатликларини тиклаш учун бепул йўлланмалар ажратилди. Фарзандларининг оромгоҳларда дам олиши уюштирилди. Бундан ташқари, байрам совғаси сифатида уларга кийим-кечак, фарзандларига мактаб формалари, дарсликлар инъом этилди. Шунингдек, тизимдаги вилоят, туман қўмиталарида, корхона ва ташкилотларда турли учрашувлар, спорт беллашувлари, маданий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтмоқдаки, буларнинг барчаси Истиқлолга таъзимимиздир.

**Суҳбатдош: Амина ҚОДИРОВА**

## «ЖИЗЗАХПЛАСТМАССА»ДА
### 300 та иш ўрни

Президентимиз ташаббуси билан «Шўртангаз» корхонасининг қисқа муддатда ишга туширилиши «Жиззахпластмасса» очиқ акциядорлик жамияти фаолиятини узлуксиз йўлга қўйиш имконини берди. Ҳозир корхонада ҳар хил ҳажмдаги полиэтилен қувурлари, плёнкалар билан бир қаторда 70 хилдан ортиқ халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарилмоқда. Корхонада маҳсулот ишлаб чиқаришнинг кўпайиши ўтган йилнинг ўзида бу ерда 300 га яқин иш ўрни яратишга шароит туғдирди.

«Жиззахпластмасса» йилни 57 миллион ялпи даромад билан якунлади. Шундан 14,7 миллионини соф даромад ташкил этди. Ҳар бир акцияга ажратилган дивиденд 301 сўмдан тўғри келди.

- Корхонада ишловчиларга шарт-шароитлар яратиш тубдан яхшиланди, – дейди ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси Ҳоди Пўлатов. - Уларни соғломлаштириш мақсадида замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган физиотерапия, стоматология хоналари ишлаб турибди. Соғломлаштириш пунктига биринчи ёрдам учун дори-дармонлар бепул берилмоқда. Яқин орада 10 ўринли даволаш маскани иш бошлайди. «Кўрпа» қишлоғидаги ёзги оромгоҳда корхона ишчи-хизматчиларининг болалари ҳордиқ чиқарадилар.

Корхонада спорт тадбирларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Яқинда шоҳмот, шашка бўйича ўтказилган ички мусобақаларда чилангар Александр Иванов ва ишчи Абдумалик Маматқуловлар ғолиб деб топилиб, соврин эгалари бўлишди.

**Я.САРИЕВ**

***Тошкент вилоят касаба уюшмалари томонидан меҳнаткашларнинг фарзандларини соғломлаштириш ишларига тайёргарлик йил бошидан бошланади. Чунки вилоятнинг сўлим гўшаларида жойлашган дам олиш масканларини мавсумга тайёрлаш — таъмирлаш ишларини ўз вақтида, сифатли қилиб бажариш катта масъулият талаб этади. Бу йилги мавсумда 19535 нафар бола дам олиши кўзда тутилган 44 та оромгоҳ, шу жумладан, 16 та соғломлаштириш маскани ўғил-қизларни қабул қилиши олдидан тахт ҳолга келтирилди. Шунингдек, 34 та мактаблар қошидаги кундузги дам олиш масканларида биринчи босқичда 3186 нафар, иккинчисида 1900 нафар бола дам олдирилди.***

*Ёзги соғломлаштириш*



# ОРОЛБЎЙИ БОЛАЛАРИ
### пойтахт вилоятининг сўлим оромгоҳларида дам олишмоқда

Ўзбекистон металлургия комбинати маъмурияти ва касаба уюшма ташкилотининг ташаббуси билан айни кунларда яна битта оромгоҳ бағрида болаларнинг шўх кулгулари янграмоқда. Паркент туманидаги «Орзу» номли ушбу оромгоҳ қисқа вақт ичида таъмирдан чиқарилиб, жиҳозланди. Уч босқичнинг ҳар бирида меҳнаткашларнинг 400 нафардан зиёд болалари дам олиши йўлга қўйилди.

Вилоятда кам таъминланган, кўп болали оилалар фарзандларини, шунингдек, меҳрибонлик уйлари, мактаб-интернатлар тарбияланувчиларини имтиёзли дам олдиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Масалан, бу йилги мавсум давомида Бўка шаҳридаги 15-меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларидан 240 нафари, Ангрен шаҳридаги 34-мактаб-интернат ўқувчиларидан 320 нафари, хизмат вазифасини ўташ даврида ҳалок бўлган вилоят ички ишлар бошқармаси ходимларининг 50 нафар фарзанди имтиёзли дам олишга жалб этилмоқда. Бунинг учун сарфланадиган маблағнинг 18 миллион 714 минг сўми ижтимоий суғурта, 910 минг сўми эса касаба уюшма бюджети ҳисобидан қопланади. Бундан ташқари, болалар спортини ривожлантиришга ҳисса қўшиш ниятида БЎСМ тарбияланувчиларидан 690 нафари оромгоҳларда дам олиш билан бирга тажрибали мураббийлар бошчилигида ўз маҳоратларини оширмоқдалар: Бу ишга ҳам ижтимоий суғурта маблағидан 30 миллион 784 минг, касаба уюшма бадали маблағи ҳисобидан 1 миллион 924 минг сўм ажратилди.



Вилоят оромгоҳларида экологик аҳвол мураккаб бўлган Оролбўйи болаларини соғломлаштириш анъанага айланиб бормоқда. Бу йил ҳам хоразмлик 1500 нафар болани вилоятнинг 14 та оромгоҳида дам олдириш ташкил қилинган. Ҳозир улардан 510 нафари олам-олам таассуротлар билан ота-оналари бағрига қайтишди. Уларни олиб келиш-кетиш каби ташкилий ишларда касаба уюшмаларига вилоят ҳокимлиги, «Тошвилоят-транс» ҳудудий уюшмаси, «Ғолиб», «Улфат», «Йўловчи», «Зафар сервис» фирмалари ўзларининг беминнат ёрдамларини беришмоқда.

Яна бир эътиборга молик жиҳат шуки, бу йилги соғломлаштириш мавсуми учун малакали кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор берилди. Зиммаларидаги масъулиятни тўла ҳис этадиган, етарли тажрибага эга оромгоҳ бошлиқлари, тарбиячи ва етакчилар, тиббиёт ходимлари ўз ҳаракат дастурлари асосида иш олиб боришяпти. Шунинг учун ҳам ҳозирги пайтда болажонларимизнинг ҳар бир куни мароқли ўтмоқда. Улар меҳрибон тарбиячи ва етакчилар бошчилигида гуруҳларга бўлиниб, турли маданий-маърифий тадбирларда иштирок этишяпти, тўгарак машғулотларида қатнашишмоқда, саёҳатларга чиқишмоқда. Шу қаторда болаларни жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига жалб этишга ҳам алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Хусусан, спорт машғулотлари, мусобақалар, тўгаракларнинг мунтазам ва узлуксиз ишлашига эришилмоқда.

**Темур ҲАЙДАРОВ, «Ишонч» мухбири**

## ТЕСТ СИНОВЛАРИСИЗ ЎТГАН ТАЛАБА

Қарши шаҳридаги 3-мактаб ўқувчиси Гавҳар Абдураҳмонова тест синовларисиз Ўзбекистон Миллий Университети журналистика факультетининг биринчи курсига қабул билинди.

Гавҳар бунга қандай эришди, дея ажабланишингиз турган гап. Бўлмаса, билиб қўйинг. Шу йилнинг март ойида Гавҳар она тили ва адабиёти фанлари бўйича ўтказилган республика олимпиадасида биринчи ўринни эгаллаб бу имтиёзни қўлга киритди. Шунинг учун ҳам у мактабни битириб тест синовларисиз ўқишга қабул қилинди. Гавҳарнинг бундай муваффақиятга эришишида албатта у таълим олаётган мактабда ўзбек тили ва адабиёти фанидан сабоқ бериб келаётган олий тоифали ўқитувчи, Гавҳарнинг онаси Шамсия опа Буриеванинг ҳиссаси катта бўлди. Шамсия опа қизининг бу муваффақиятидан фахрланиб шундай дейди:

- Гавҳарнинг бу муваффақияти кўнглимни тоғдек кўтариб юборди. Қизимни тинмай ўқиши, изланиши, тиниб тинчимаслиги бесамар кетмади. Мен бунинг ҳаммасини мустақиллик меваси деб ҳисоблайман. Қизимнинг мақсади ҳукуматимиз кўрсатаётган бу ғамхўрликка жавобан яхши мутахассис бўлиб етишиб мустақил мамлакатимизнинг янада равнақ топишига муносиб ҳисса қўшишдир.

**"Туркистон-пресс"**

*Ташаббус*

## ЁШЛАР БИЛАН ИШЛАШ МАРКАЗИ

Ҳар томонлама баркамол инсонни камол топтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Ҳаётимизнинг қувончи, келажагимиз таянчи ҳисобланган ёшларни ватанга, ўз халқига, истиқлол ғояларига садоқатли кишилар қилиб тарбиялаш ҳар бир кишининг муқаддас бурчидир.

Вазирлар Маҳкамасининг «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори қабул қилингандан сўнг Қашқадарё вилоятида ёшлар тарбиясини такомиллаштириш бўйича маданий-маърифий ишлар анча кучайтирилди. Хусусан, 110 мингдан зиёд аҳоли яшаётган Нишон туманида профилактик тадбирлар самарадорлигига эришилаяпти. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинлари, мактаблар ва ўрта махсус ўқув юртлари билан ҳамкорликда ёшлар тарбиясини мустаҳкамлашга қаратилган аниқ дастур ишлаб чиқилган.

Туман аҳолисининг 48254 нафари ёшлар бўлиб, уларнинг асосий қисмини вояга етмаганлар ташкил этади. Туман ҳокимлиги ва ҳуқуқ-тартибот идоралари ташаббуси билан Янги Нишон, Талимаржон шаҳарлари, Нуристон, Пахтаобод, Пахтазор, Гулистон, Ойдин, Оқ олтин, Тинчлик, Наврўз қўрғонларида ота-оналар, хотин-қизлар ва вояга етмаган ёшлар билан тарбиявий мавзуларда ўттиздан ортиқ мулоқотлар ўтказилди.

Кўрилган чора-тадбирлар жиноий хатти-ҳаракатларни камайтиришга таъсир кўрсатди. Айни пайтда ички ишлар бўлими вояга етмаганлар нозирлиги ҳисобида 27 нафар ёш рўйхатда туради. Ўзларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари билан ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарганлар қилмишлари учун ота-оналарига жарима солишни яхши билишади.

Туман прокурори ташаббуси билан бу ерда «Ёшлар билан ишлаш маркази» очилди. Марказда ҳуқуқий мавзудаги адабиётлар, ёшлар сиёсатини амалга оширишга оид Президент Фармонлари, ҳукумат қарорлари, қонун мажмуаларидан намуналар қўйилган.

Йигит-қизларнинг севимли масканига айланган марказда тегишли корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари, қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинлари, хотин-қизлар қўмиталари раислари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари, ҳуқуқ-тартибот ходимлари билан семинар машғулотлари уюштириш анъана тусини олган.

Яқинда ёшлар билан ишлашни тўғри йўлга қўйиш, улар томонидан содир этилиши эҳтимол тутилган жиноятларнинг олдини олиш, баркамол авлодни вояга етказиш, улар онгига ҳуқуқий тарбияни сингдириш масалаларига бағишланган ўқув машғулотлари ҳар жиҳатдан фойдали бўлди.

Вилоят прокуратурасининг бўлим бошлиқлари, шаҳар ва туман прокурорлари, ҳокимларнинг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосарлари, ички ишлар бўлимлари, вояга етмаганлар билан ишлаш нозирлари иштирокида ўтказилган анжуманда балоғатга етмаган ёшлар билан ишлаш соҳасида нишонликлар тажрибаси оммалаштирилди.

**ЁЛҚИН**

## ҲАМКОРЛИК

Пойтахтимизда АҚШнинг «LAND O Laves» ташкилотининг юртимиздаги ваколатхонаси, «Ўзгўштсутсаноат» давлат акционерлик уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган озиқ-овқат маҳсулотлари орқали юқиши мумкин бўлган касалликларга қарши курашга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

«LAND O Laves» сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш билан шуғулланувчи йирик компания ҳисобланади. Унинг иштирокида юртимизда синов тариқасида «Мактаб озиқ-овқат дастури» амалга оширилди. Дастурга мувофиқ АҚШ қишлоқ хўжалик департаментидан олинган қуруқ сут қайта ишланиб, Фарғона водийси мактабларига етказиб берилди. Мактаб бошланғич синф болалари витаминга тўйимли сут ва печеньелар билан таъминланди. Дастур, шунингдек, Қашқадарё, Сурхондарё мактабларида ҳам амалга оширилди.

Ҳозир навбатдаги лойиҳа юзасидан музокаралар олиб борилмоқда. Мазкур дастурга мувофиқ келтирилган қуруқ сутни қайта ишлаш «Ўзгўштсутсаноат» давлат акционерлик уюшмаси тизимидаги корхоналар томонидан амалга оширилади.

*Шарҳловчи минбари*

## АҚШ: ХАВФСИЗЛИК ЧОРАЛАРИ КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

АҚШ ҳукумати террорчи гуруҳларнинг таҳдидидан яна жиддий ташвишга тушмоқда. Шу боис мамлакатда хавфсизлик чоралари кучайтириляпти.

Айниқса, халқаро аэропортларда текширув ишлари янада жадаллашган. Аммо, бу жараён кейинги кунларда бироз мураккаб кечмоқда. Назоратчилар асосий эътиборни қурол ва портловчи моддаларни яшириб олиб ўтиш мумкин бўлган кичик электрон жиҳозларни текширишга қаратган. Уяли телефон аппарати, магнитафон, фото ва видео камералар бу борада террорчиларга қўл келиши мумкин.

Си-эн-эн телекомпанияси маълумотларига қараганда, тез кунларда авиакомпаниялар, федерал хизмат вакиллари ва маҳаллий ҳокимият органларига бу борада тегишли кўрсатма ва йўриқномалар жўнатилади.

Яқинда мамлакат хавфсизлик хизмати ходимлари томонидан «Ал-Қоида» террорчиларининг кўпчилик йўловчиларда учратиш мумкин бўлган маиший электр асбобларидан самолётларни олиб қочишда фойдаланишни режалаштиргани аниқланди. Маълум бўлишича, фотоаппарат ичига карахт қилувчи махсус электрон қурилма ўрнатиш мумкин экан.

Ўтган якшанба куни Дубайнинг Ал-Арабия телеканали «Ал-Қоида» гуруҳи аъзоларидан бири Айман аз-Завахирий овози ёзилган магнит тасмани эфирга узатган эди. Аз-Завахирий, агар АҚШнинг Гуантанама ҳарбий базасида сақланаётган маҳбуслар судга топширилса, бу АҚШ учун анча қимматга тушишини таъкидлаган.

Ҳозирча мазкур магнит тасманинг қачон ёзиб олингани аниқлангани йўқ.

Айни пайтда Гуантанама ҳарбий базасида «Толибон» ва «Ал-Қоида» аъзоларидан иборат 620 нафар маҳбус сақланмоқда. Уларнинг деярли барчаси Афғонистон ҳудудида асир олинган.

АҚШ адлия вазири Жон Эшкрофтнинг фикрича, «Ал-Қоида» террорчи гуруҳи ҳозир ҳам мамлакат барқарорлиги учун аввалгидек таҳдид солаётир. У журналистларга берган интервьюсида, агар «Ал-Қоида» ўзига етарли куч тўплай олса, истаган вақтда зарба бера олиши мумкинлигини ҳам таъкидлаб ўтган.

АҚШ аҳолиси ҳам террорчилик хавфидан жиддий ташвишга тушмоқда. Аксарият америкаликлар мамлакатда «Ал-Қоида» гуруҳининг жосуслари борлигига шубҳа қилмаяпти. Уларнинг таъкидлашича, жосуслар мамлакатнинг турли ҳудудларида яшириниб, ҳаракат бошлаш учун қулай вазият ва буйруқ кутаётган бўлиши мумкин.

**(ЎзА)**

## СЕМИНАР ЭКОЛОГИЯГА БАҒИШЛАНДИ

Пойтахтимизнинг Интерконтинентал меҳмонхонасида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамда БМТ тараққиёт дастури ҳамкорлигида «Ўзбекистон: атроф-муҳит ва хавфсизлик» мавзуида семинар бўлиб ўтди. Унда республикамиз вазирликлари, қўмиталар, илмий текшириш институтлари ҳамда нодавлат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Семинарда БМТ тараққиёт дастури, БМТ экология дастури ҳамда ЕХҲТнинг «Атроф-муҳит ва хавфсизлик бўйича ташаббус. Хавф-хатарга қарши ҳамкорлик» деб номланган қўшма лойиҳаси муҳокама этилди. Семинарда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси раиси Қ.Жумабеков, БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Р.Конрой ва бошқалар ҳозир жаҳонда хавфсизлик ва атроф-муҳит мусаффолиги масалалари бир-бирига узвий боғлиқ бўлиб қолганлигини таъкидлади. Чунки, атроф-муҳит мусаффолигига, экология хавфсизлигига эришмасдан туриб, давлатлар ва минтақалар, алал оқибатда, дунё хавфсизлигини тўла таъминлаш мушкул.

«Атроф-муҳит ва хавфсизлик бўйича ташаббус» дастури вазирликлар ва давлат идоралари, жамоат ҳамда халқаро ташкилотлар ўртасида экологик хавф-хатарга қарши курашда ҳамкорликни кучайтиришни кўзда тутади. Шунингдек, атроф-муҳитни ҳимоя қилишдаги муҳим масалалар ҳамда мазкур йўл билан тинчлик ва барқарорликни тарғиб этиш борасидаги ҳамкорлик учун асос яратади.

**(ЎзА)**

